

Майитни дафнга тайёрлаш

05:00 / 18.01.2017 23241

Бандаларига дунё ҳаётида чиройли яшашлари, охират тадоригини кўришлари учун барча ҳукмларни нозил қилган Аллоҳга беадад ҳамд-санолар бўлсин.

Аллоҳнинг ҳукмларини ўзининг сўзлари, феъллари билан намунавий тарзда кўрсатиб берган Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга дурудду салавотлар бўлсин.

Динимизда инсон ҳуқуқлари жуда ҳам мукаммал даражада белгилаб қўйилган. Барча йўл-йўриқлар батафсил, гўзал услубда баён қилинган. Ислонда инсон ҳуқуқлари нафақат ижтимоий ҳаётда, балки вафотидан кейин ҳам ҳимоя қилинади. Вафот этган инсоннинг ҳам ўзига яраша ҳақ-ҳуқуқлари бўлади. Мазкур ҳуқуқларнинг асосийлари майитнинг тириклар зиммасидаги ҳақлари ҳисобланади. Биз қуйида ана ўша ҳақлар хусусида суҳбатлашамиз.

Майитни дафнга тайёрлаш

Инсон вафот этгач мусулмонларнинг зиммасига унинг тўртта ҳаққи вожиб бўлади. Бу ҳақлар фарзи кифоя бўлиб, мусулмонлардан маълум кишилар бу ҳақларни бажарса, бошқалардан соқит бўлади. Аммо уларни ҳеч ким бажармаса, барча гуноҳкор бўлади. Майитнинг тириклар устидаги ҳақлари қуйидагилар:

1. Ювиш;
2. Кафанлаш;
3. Жаноза ўқиш;
4. Дафн қилиш;

Ювиш:

Ювиш амалиётини ўрганишдан олдин унинг таърифи, ҳукми, ғассолнинг сифати, ювишни вожиб қилувчи шартларни билиб олишимиз лозим.

“Ювиш” деганда маййитнинг баданини сув билан суннатга мувофиқ тарзда ғусл қилдириш тушунилади.

Ҳукми:

Юқорида келтирилганидек, маййитни ювиш фарзи кифоядир. Агар маййит ювилмай қолган бўлса, қабрини очиб, ювиб қайтадан кўмилади. Аммо қабр очилганда маййитнинг ярмидан кўпи топилса, уни ювиб жаноза намози ўқилади. Агар ярмидан ози топилса, ювилмайди ҳам жаноза ҳам ўқилмайди.

Агар маййитни ювиш учун сув бўлмаса ёки сув бўлса ҳам, уни ювиш мумкин бўлмаса, мисол учун, ювилганда бадан аъзоларини узилиб кетиш хавфи бўлса, таяммум қилдирилади.

Маййитни одамлар кўзидан ҳоли жойда ювиш мақсадга мувофиқдир. Мабодо, маййит бўлак-бўлак бўлиб кетган бўлса, бўлакларни жой-жойига қўйиб, ювилади. Иложи борича бу ҳолатни бошқаларга изҳор қилинмагани маъқул.

Ғассол қандай бўлиши керак:

Маййит эркак бўлса, эр киши, аёл бўлса, аёл киши ювиши керак. Бунга уламолар иттифоқ қилишган. Эркакни аёл киши ёки аксинча, аёлни эркак киши ювиши мумкин эмас. Ҳанафий мазҳаби уламолари киши ўз хотинини ҳам ювиши мумкин эмас, дейдилар. Чунки аёл вафот этиши билан ўрталаридаги никоҳ узилади ва хотин эрига номаҳрам бўлиб қолади.

Аммо хотин ўз эрини ювиши мумкин. Ҳатто ражъий талоқ (никоҳсиз ярашиш мумкин бўлган талоқ) иддасида ўтирган бўлса ҳам. Чунки у ҳолатда ҳали эр-хотинлик алоқаси тўла узилмаган бўлади.

Бу борада Алоуддин Косоний роҳматуллоҳи алайҳ айтадилар:

“Аёл эрини ювиши мумкин, зеро, ювинтиришнинг жоизлиги никоҳ сабабидандир. Никоҳ борми, демак, ювиш ҳам мумкин. Эр вафот этиши

билан никоҳ аёлнинг иддаси чиққунича сақланади. Аммо аёл вафот этгач, никоҳ ниҳоясига етади, яъни, эр хотинига бегона каби бўлиб қолади. Бу ҳолатлар эр-хотинлик собит қолган бўлганидадир. Аммо боин талоқ ёки уч талоқ тушган бўлса-ю, сўнг эр вафот этса, аёл ҳам эрини ювишга ҳақли эмас”.

Балоғатга етмаган ўғил ёки қиз болани эркак ҳам, аёл ҳам ювишлари мумкин эканига уламолар иттифоқ қилишган.

Ғассол ювиш ишларини яхши биладиган, таҳоратли (таҳоратсиз бўлса ҳам жоиз), ишончли, тақводор бўлгани афзал.

لسغىل ملس و هيلع هلالى لى لى لوسر لاق : لاق رمع نب هلالى دبع نع
هجام نبا هاور. نونومأملا مكاتوم

Абдуллоҳ ибн Умар розиаллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Маййитларингизни ишончлилар ювсин”, дедилар”.

Ибн Можа ривояти.

Шу билан бирга, ғассол оқил бўлиши, фарзи кифоя амали мукаллафлардан соқит бўлиши учун ювишни ният қилиши лозимдир.

Жумҳур уламолар айтадилар:

“Ғассол маййитни ювгани учун ҳақ олса жоиз, бу улуш маййитнинг қолдирган молидан олиб берилади. Лекин ҳанафий уламолар: “Ғассол текинга ювиб бергани афзал. Агар ўша ерда ювишга ундан бошқаси бўлса, ҳақ талаб қилиши мумкин. Акс ҳолда, ювиш унга фарзи айнга айлангани учун ҳақ талаб қилиши мумкин эмас”, дейдилар.

Ювишни вожиб қилувчи шартлар:

Қуйидаги шартлар мавжуд бўлса маййитни ювиш вожиб бўлади:

1. Маййитнинг мусулмон бўлиши.
2. Маййитнинг бир дақиқа бўлса-да, яшагани маълум бўлиши.

Маййит гўдак бўлса, тирик туғилган бўлса, ювилади, унга жаноза ўқилади, марос олади ва қолдиради. Тириклик аломати овоз чиқариш, акса уриш, йиғлаш ёки бир марта бўлса ҳам қўл оёғини қимирлатиш бўлиши мумкин. Айрим ривоятларда гўдак ўлик туғилса, аммо ҳамма аъзолари бутун бўлса, ҳаётдан ҳеч бир аломат бўлмаса ҳам, ювилади ва унга исм қўйилади, дейилган. Лекин ҳам ўлик ҳам чала туғилган бўлса, ювилмайди. Устидан бир марта сув қуйиб, латтага ўраб, исм қўйиб, дафн қилинади. Чунки Имом Термизий Жобир розиаллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

ثري الوه يلع صي ال ل ف ط ل ل ا ق م ل س و ه ي ل ع ل ل ل ا ل ص ي ب ن ل ل ا ن ع ر ب ا ج ن ع
ل ه ت س ي ي ت ح ث ر و ي ا ل و

Яъни, “Токи овоз чиқармагунча гўдакка намоз ўқилмайди, мерос ҳам олмайди, (ундан) мерос олинмайди ҳам”, деганлар.

3. Маййитнинг бутун жасади, ёки ярми, ёки кўпроғи боши билан бирга бўлиши.

Маййит шаҳид бўлса ёки йўл тўсар ё золим томонидан ноҳақ ўлдирилган ёҳуд ўғри кечаси уйда ўлдириб кетган бўлса, ўлаётган маҳалда у болиғ, оқил бўлса, жунуб, нифос, ҳайздан холи бўлса, у ҳолда ювилмайди, унга жаноза намози ўқилади, холос.

”مُتَّحِدًا وَبَوْتِ فِي دُخَانٍ لَيْتَقَوْا نَمْنَمًا نِيْلَ جُرْلَلِ نَبِيٍّ بِنَلَا نَاكَ : لَاقٍ رِبَاجٍ نَع
أَنَّا لَاقُوا دُخَانَ لَيْ فِي هَمْدَقِ أَمْرٍ دَخَأ لَيْلِةَ رِي شَأ إِذْ فَنَارُ قَوْلِ لَاقٍ رَثْكَ أَمْهَيَّ : لَوْ قَي
لَصُيْ مَلَو أَوْلَسَّ عِيْ مَلَو مَوئِئِ مَد ي ف مَهْنَفِ دَب رَمَ أَوْ مَوَيِّءِ أَلْوَه لَع دِي هَش
ي رَاخِب لَأَوْر . مَهْي لَع

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Уҳудда қатл бўлганлардан икки кишини бир кийимга жамлар эдилар. Сўнгра:

“Икковларидан қайси бири Қуръонни кўп билади?” дер эдилар. Қачонки улардан бирига ишора қилинса, ўшани лаҳадга олдин қўяр эдилар. У зот:

“Буларга қиёмат куни мен гувоҳман”, дедилар.

Уларни қонлари билан дафн қилишга амр қилдилар. Ювилмадилар ҳам, уларга намоз ҳам ўқилмади”.

Бухорий ривояти.

аъзоларини ювишга осон бўлиши учун оҳиста силаб, тўғирлаб, бир текис қилиб қўйилади. Очиқ қолган баданларини беркитилади. Шишиб кетмаслиги учун қорнига бирон бир оғирроқ нарса бостириб қўйиш ҳам мумкин. Маййит бор хонада хайз, нифос кўраётган аёллар ҳамда жунуб киши бўлмагани маъқул.

Киши аниқ вафот этгани маълум бўлганидан сўнг қўшнилари ва қариндош уруғларига бу воқеанинг хабарини бериб, жанозага таклиф этиш шаръан жоиздир. Чунки Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Жаъфар ибн Абу Толиб, Зайд ибн Ҳориса ва Абдуллоҳ ибн Равоҳа розиаллоҳу анҳумларнинг жанозаларини эълон қилганлар. Дафн ишлари тайёргарлиги тезлаштирилади.

Маййитни ювиш учун бир тарафи баланд ва бир тарафи паст қилинган ювғич тахта устига ётқизилади. Боши юқори томонга, оёғи пастки томонга, ҳудди ўлим тўшагидаги кишининг ётишидек қиблага йўналтириб қўйилади. Ҳанафий уламоларнинг баъзилари қабрга ётқизилгандек ётқизилади, деганлар. Тўғрироғи эса ювишга осон бўлган тарзда қўйилишидир.

Ғассол ювишни бошлашда маййитни эҳтиётлаб, аврат аъзоларини ошкор этмай, кийимларини ечиб олади.

Маййитни ювғич тахтага олиб, устига бирон бир мато ташлаб қўяди.

islom.uz

Қўлига латта ёки қўлқоп кийиб ювади

Ғассол ёлғиз ўзи ювишга қийналса, бошқани ёрдамга таклиф қилиши дуруст. Маййитни ювганда авратига қараш мумкин эмас.

زربت ال : ملس و هيلع هلا ىلص ىبنلا لاق : لاق هنع هلا ىضر ىلع نع
تيم ال و ىح ذخف ىلإ رظنت ال و كىذخف

Али розиаллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

лунжларини, лаб ва бурун атрофини ювиб чиқади. “Раддул-Муҳтор” китобининг муаллифи аллома Ибни Обидин роҳматуллоҳи алайҳи бу борада “Намоз фарз бўлганларга таҳорат олдирилади”, деб айтганлар. Ювиш маййитнинг бошидан, юзидан бошланади. Соч-соқоли имкон бўлса хитмий (русча штокроза розовая) билан, бўлмаса совунга ўхшаш нарсалар билан ювилади. Соч-соқоли йўқлар бундан мустасно.

Сўнгра чап тарафини бостириб ётқизилади ва ўнг тарафига сув қуйилади, хатто, босиб ётган тарафигача сув етказилади.

islom.uz

Кейин эса, ўнг тарафига ёнбошлатиб, худди шу иш қилинади. Ҳар бир ўгиришда уч мартаба ювилади. Бундан кўпайтирилса ёки камайтирилса ҳам ғусл адо топади, чунки вожиб бир марта эканлиги эътиборидан жоиз бўлаверади. Ювиш асносида авратидан чиққан нарса сабабли ювиш қайтарилмайди, чунки ундаги нопоклик таҳоратни кетказувчи нарсалар сабабли эмас, балки, ўлим сабабидандир. Шунинг учун ювиш комил бўлаверади.

Ювиб бўлгач, кафанни ҳўл қилмаслиги учун бутун бадани тоза латта билан артиб чиқилади.

Эркак кишига маййитни кафанга ўрашдан аввал унга уч ёки беш, яъни тоқ ададда хушбўйлик сепилади. Бу ҳолат уни тириклик ҳолатига эътиборан, яъни инсон тириклик ҳолатида ўзига ҳам либосига ҳам хушбўйлик сепиб юргани каби.

تيمم لاء م ترمجاً اذا " : م لسو وه ل ع هل ل ا ل ص هل ل ا ل و س ر ل ا ق ل ا ق ر ب ا ج ن ع
" اثا ل ت ه و ر م ج ا ف "

Жобир розиаллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам “Агар маййитларингизга хушбўй нарса сепсангиз, тоқ қилиб, уч бор сепинглар”, дедилар.

Аҳмад ва Ҳоким ривоятлари

Кафанлашдан олдин маййитнинг боши ва соқолига хушбўйликлар, атрлар суртилади. Ханут (маййит бузилмаслиги учун ишлатиладиган модда, атр навларидан бири) ва кофурни (русча камфара) пахтага теккизиб, унинг оғзи, бурни, кўз ва қулоқ атрофига, сажда қиладиган жойлари: пешонаси, бурни, икки кафти, тиззалари, оёқ учларига суртилади.

Бу амаллар барчаси мустаҳаб саналади. Булар бўлмаган тақдирда бошқа хушбўй нарсаларни ишлатиш ҳеч нарса қилмайди. Заъфарон (русча шафран) ва варс (сарик дарахт, инглизча *memecylon tinctorium*) ни эркакларга ишлатишлик макруҳ.

Сочи таралмайди, безак берилмайди ва калта қилинмайди. Тирноқларига ҳам тегилмайди. Олиб қўйилган бўлса, кафани орасига қўйиб юборилади. Хатна қилинмаган бўлса, шу ҳолатда қолдирилади. Қўллари гавда устига эмас, балки, ёнбошига узун қилиб қўйилади.

Ювадиган жой ювинди суви тўпланиб қолмайдиган, яъни оқиб кетадиган бўлиши лозим.

Жўрабаев Юсуфжон